

Course: CORPORATE GOVERNANCE

Lecture 5. Organization and holding of the general meeting of shareholders

Lecturer: Xusainov Shavkat

Фан: КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ

5 - мавзу. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш

Маърузачи: Хусаинов Шавкат

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ташкил этилиши
2. Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ва овоз натижаларини расмийлаштириш
3. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкил этиш ва ўтказишнинг амалдаги ҳолати

- Акциядорлар умумий йиғилиши жамиятнинг энг муҳим бошқарув органларидан бири ҳисобланади ва у орқали акциядорлар жамиятнинг муҳим масалаларини муҳокама қилиб, қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини амалга оширадilar.
- Умумий йиғилишнинг тўғри ташкил этилиши ва ўтказилиши акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жамият бошқарувида уларнинг иштирокини таъминлашнинг асосий механизми ҳисобланади.

Умумий йиғилишнинг
ваколатлари

Акциядорлар умумий йиғилиши қуйидаги масалалар бўйича
қарорлар қабул қилади:

Акциядорлар умумий йиғилишининг
қарорлари:

- АУЙда овозга қўйилган масалалар бўйича қуйидагилар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади:
- Оддий акциялар эгалари бўлган акциядорлар;
- Айрим ҳолларда имтиёзли акциялар эгалари бўлган акциядорлар.



Умумий йиғилишнинг
ваколатлари

Акциядорлар умумий йиғилиши қуйидаги масалалар бўйича
қарорлар қабул қилади:

Малакали кўпчилик овози билан қабул
қилинадиган қарорлар:

- Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- АЖни қайта ташкил этиш;
- Тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;
- Кузатув кенгаши яқдиллигига эришилмаган ҳолатда йирик битимлар тузиш, аффилиланган шахслар билан битимлар масалалари;
- Баланс қиймати ёки жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги масалалар.

Умумий йиғилишнинг
ваколатлари

Акциядорлар умумий йиғилиши қуйидаги масалалар бўйича
қарорлар қабул қилади:

Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа
қарздорлик ҳисобига АЖ устав капиталидаги
давлат улушини шакллантириш ёки ошириш
тўғрисидаги қарор қабул қилиш:

- АУЙ томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида **учдан икки қисми** эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг **оддий** кўпчилик овози билан қабул қилинади.



Умумий йиғилишнинг
ваколатлари

Акциядорлар умумий йиғилиши қуйидаги масалалар бўйича
қарорлар қабул қилади:

Акциядорлар умумий йиғилишида қарор
қабул қилиш:

- АУЙ кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек *кун тартибига ўзгартишлар киритишга* ҳақли эмас.
- АУЙ томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари Уставда белгиланган тартиб ва муддатларда, бироқ қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.
- АУЙ томонидан давлат вакилининг иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда **вето** қўйилган қарорлар ижро этилмайди.
- Агар акциядор *узрли сабабга кўра* АУЙда иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у АУЙ томонидан қабул қилинган қарор устидан *судга шикоят қилишга* ҳақлидир.

Умумий йиғилишнинг
ваколатлари

Акциядорлар умумий йиғилиши қуйидаги масалалар бўйича
қарорлар қабул қилади:

Акциядорлар умумий йиғилишида
иштирок этиш ҳуқуқи:

- АУЙда иштирок этиш ҳуқуқи АУЙ ўтказиладиган санадан **уч иш куни** олдин шакллантирилган АЖ акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.
- АЖ акциядорнинг талабига кўра акциядорга у АУЙни ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

Умумий йиғилишнинг
ваколатлари

Акциядорлар умумий йиғилиши қуйидаги масалалар бўйича
қарорлар қабул қилади:

Акциядорлар умумий йиғилишни ўтказиш
тўғрисидаги ахборот:

- АУЙни ўтказиш тўғрисидаги хабар АУЙ ўтказиладиган санадан камида **21 кундан кечиктирмай** www.openinfo.uz да АЖ расмий веб-сайтида, ОАВда эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.
- АЖ давлат вакилини АУЙ ўтказиладиган санадан камида **етти кун** олдин ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ташкил этилиши
ва реестр шакллантирилиши:

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган
санадан **уч иш куни** олдин жамият
акциядорларининг **реестри** шакллантирилади:

- Бу реестрда қайд этилган акциядорлар умумий йиғилишда **иштирок этиш ҳуқуқига** эга бўладилар. Бу реестрнинг шакллантирилиши **акциядорлар ва уларнинг овоз бериш ҳуқуқини** аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.
- Жамият акциядорнинг талабига кўра, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган **реестрга киритилганлиги ҳақида ахборот** тақдим этиши шарт.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
тўғрисида»ги қонун

**44-модда. Жамият акциядорларининг реестрини
шакллантириш шартлари ва тартиби:**

- Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш жамиятнинг ёки қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг топшириғи, шунингдек ушбу Қонуннинг 65-моддасида назарда тутилган ҳолларда акциядорларнинг ёзма мурожаати асосида Марказий депозитарий томонидан амалга оширилади. Реестрнинг қайси санада шакллантирилиши реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқда кўрсатилади.
- Жамият жамиятнинг акциядорлари реестрини шакллантириш тўғрисидаги топшириқларга имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳақида Марказий депозитарийни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.
- Жамият акциядорларининг реестрини шакллантиришни рад этишга йўл қўйилмайди, қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.
- Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш рад этилган тақдирда, Марказий депозитарий реестрни шакллантириш рад этилганлиги тўғрисидаги асосланган билдиришни жамиятнинг топшириғи келиб тушган пайтдан эътиборан беш кундан кечиктирмай юборади.
- Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш асоссиз рад этилганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

"O'zkimyosanoat" AJning aksiyadorlar umumiy yig'ilishi to'g'risida»gi
Nizomqa 1-ilova

"O'zkimyosanoat" aksiyadorlik jamiyatining ____ yil " ____ " ____ da, soat ____:____,
_____ manzil bo'yicha o'tkazilgan aksiyadorlar yillik (navbatdan tashqari) umumiy yig'ilishining
QAYD QILISH RO'YXATI

№ t/r	Aksiyadorning F.I.Sh. yoki nomi	Ovoz beruvchi aksiyalar soni	Aksiyador imzosi	(Aksiyador vakili qatnashganda to'ldiriladi)				
				Aksiyador vakilining F.I.Sh.	Ishonchnoma raqami	Ishonchnoma berilgan sana	Ovoz beruvchi aksiyalar soni	Vakilning imzosi
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Jami _____ dona ovoz beruvchi aksiyalarga ega bo'lgan yig'ilish qatnashchilarning ro'yxatga olingan soni _____ kishi.

Yig'ilish kvorumi (jami ovoz beruvchi aksiyalar soniga nisbatan foizda) _____ %.

Sanoq komissiya a'zolari: _____ F.I.Sh.
(imzo)
_____ F.I.Sh.
(imzo)
_____ F.I.Sh.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
тўғрисида»ги қонун

58-модда. Акциядорларнинг умумий йиғилиши

акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва масофадан туриб электрон овоз беришнинг умумий тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

... ..

жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

... ..

мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
тўғрисида»ги қонун

62-модда. Акциядорларнинг умумий йиғилишини
ўтказиш тўғрисидаги ахборот:

- Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, жамият кузатув кенгашининг директор (бошқарув раиси), ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзоллигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.
- Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.
- Акциядорларга ва давлат вакилига берилиши лозим бўлган ахборотдан (материаллардан) акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгунига қадар ва уни ўтказиш вақтида фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши керак.

Акциядорларга умумий йиғилиш ҳақида хабар
бериш:

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги
хабар йиғилиш ўтказиладиган санадан камида **етти кундан**
кечиктирмай, лекин узоғи билан **ўттиз кун олдин**
жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот
воситаларида эълон қилинади, шунингдек, акциядорларга
электрон почта орқали юборилади:

- Бу тартиб акциядорларнинг йиғилиш ҳақида ўз вақтида маълумотга эга бўлишини таъминлайди ва уларга ўз фикр ва таклифларини билдириш имконини беради.

Давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларида
махсус талаблар:

- Давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларида жамият давлат вакилини умумий йиғилиш ўтказиладиган санадан камида **етти кун олдин** ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.
- Бу талаб давлат иштирокини таъминлаш ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жорий этилган.



Умумий йиғилиш ҳақидаги хабар мазмуни:

Умумий йиғилиш тўғрисидаги хабарда
қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши
лозим:

- Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- Умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
- Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- Умумий йиғилишга тайёргарлик кўришда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан таништириш тартиби.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга
тайёргарлик:

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда жамият кузатув кенгаши, маълум бир ҳолатларда умумий йиғилишни чақирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

- Умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;
- Умумий йиғилишнинг кун тартибини;
- Умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;
- Умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;
- Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;
- Овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

Кун тартибига масалалар киритиш ҳуқуқи:

- Жамият овоз берувчи акцияларининг камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин **ўттиз кундан** кечиктирмай, агар жамият уставида бундан **кечроқ муддат** белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳақлидир.
- Акциядорлар ўзларининг номзодларини жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси таркибига киритишга ҳақлидирлар. Бу таклифлар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан **уч иш кундан** кечиктирмай тақдим қилиниши лозим.



« _____ » акциядорлик жамиятининг йиллик (навбатдан ташқари) умумий
йиғилишини ўтказилиши ҳақидаги
ХАБАРНОМА

Хурматли _____, _____ манзилида жойлашган
« _____ » акциядорлик жамияти, алоқа учун телефон: _____ Сизга шуни
маълум қиладики 20__ йил « ____ » _____ соат ____ дақ. _____ манзили
бўйича бизнинг акциядорлик жамиятимизнинг акциядорлик жамияти йиллик (навбатдан ташқари)
умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Жамиятнинг акциядорлик жамияти йиллик (навбатдан ташқари) умумий йиғилишида
қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 20__ й. « ____ » _____ ҳолатига тузилган
акциядорлар рўйхатига асосан тузилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашувчи акциядорларнинг қайддан ўтказилиши
соат ____ дақиқада бошланиб, соат ____ дақиқача давом этади.

Сизнинг ахборотингизга акциядорлик жамияти йиллик (навбатдан ташқари) умумий
йиғилишининг қуйидаги кун тартибини етказамиз:

- 1.
- 2.
- 3.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтиши жараёнида Сиз умумий йиғилишнинг
қуйидаги материаллари билан танишишингиз мумкин:

- 1.
- 2.
- 3.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун акциядорлар паспортини,
акциядорларнинг вакиллари – ЎзР қонунчилиги талабларига мос шаклда расмийлаштирилган
ишончномани (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар
учун – ушбу юридик шахс томонидан берилган) тақдим этишлари зарур.

АЖ « _____ »
Кузатув кенгаши

Ак
Что
раз,

АУЙни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган материаллар

- АЖ йиллик ҳисоботи,
- АЖнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси,
- Кузатув кенгашининг директор (бошқарув раиси), ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси,
- Кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзоллигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар,
- Уставга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки АЖнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси



Умумий йиғилиш кун тартибига масала киритиш
тартиби:

- Акциядорлар томонидан кун тартибига масала киритишда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:
 - Масала қўйилиши сабаблари;
 - Масалани киритаётган акциядорнинг (акциядорлар) исми-шарифи (номи);
 - Акциядорга тегишли акцияларнинг сони ва тури.

- Жамият кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ва белгиланган муддат тугаганидан сўнг **ўн кундан** кечиктирмай уларни кун тартибига киритиш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт. Агар **рад** этилса, бу қарор акциядорларга **уч иш куни** ичида юборилади.

Кейс: "АБС" АЖ акциядорлар умумий йиғилиши:



Компания ҳақида:

"АБС" АЖ Ўзбекистондаги йирик саноат компанияларидан бири бўлиб, унинг устав капиталида акциядорлар улушлари бор. Жамият акциялари жамоатчиликка очиқ ва айрим акциялар давлат улушига тегишли. Компания қонунчиликка мувофиқ йиллик умумий йиғилишларни ўтказиб, акциядорлар олдида ҳисобот беради.

Кейснинг шарти:

"АБС" АЖ 2023 йил якунлари бўйича акциядорлар умумий йиғилишини ташкил қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Йиғилишда компаниянинг молиявий натижалари, дивидендлар тўлови, директорлар кенгаши аъзоларини қайта сайлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинади.

Йиғилишни ташкил қилиш жараёни:



1. Кун тартибини шакллантириш: Компания раҳбарияти йиғилишда кўриб чиқилиши лозим бўлган масалаларни аниқлайди. Ушбу йилда кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:

1. Компаниянинг 2023 йил молиявий натижалари ҳақида ҳисобот
2. Дивидендлар тақсимооти бўйича қарор
3. Қузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш
4. Тафтишчи ҳисоботи
5. Компанияни келажакдаги ривожланиш стратегияси

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий
йиғилиши:




Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг **қарорига кўра** унинг ташаббуси асосида ёки тафтиш комиссиясининг **ёзма талаби**, шунингдек овоз берувчи акцияларнинг камида **беш фоизига** эгалик қилувчи акциядорлар талабига асосан ўтказилади.



Талаб киритилган санадан эътиборан **ўн кун ичида** Кузатув кенгаши умумий йиғилишни чақиритиш ёки чақиритишни **рад этиш** ҳақида қарор қабул қилиши шарт. Рад этиш асосларига қонунчиликка риоя этмаслик ёки талаб қилувчи акциядорнинг **етарли овоз берувчи** акциялар улушига эга эмаслиги киради.



Навбатдан ташқари умумий йиғилишни чақириш
асослари:

-  Навбатдан ташқари умумий йиғилиш қуйидаги ҳолларда чақирилиши мумкин:
 1. **Кўпчилик акциядорларнинг талабига биноан:** Акциядорлар сони ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялар улуши Қонунда белгиланган минимал миқдорга етган тақдирда.
 2. **Кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ:** Компания фаолиятида стратегик аҳамиятга эга қарорларни қабул қилиш зарур бўлганида.
 3. **Текширув комиссиясининг талаби бўйича:** Агар компанияда молиявий ёки бошқарув билан боғлиқ жиддий муаммолар юзага келган бўлса.
 4. **Компания бошқарув органининг талаби:** Умумий йиғилишни чақириш учун бошқа асослар мавжуд бўлганда.

AKSIYADORLARNING NAVBATDAN TASHQARI UMUMIY YIG'ILISHI

"O'ZKIMYOSANOAT" AKSIYADORLIK JAMIYATI

AKSIYADORLARI DIQQATIGA!

"O'zkiyosanoat" aksiyadorlik jamiyati aksiyadorlarining navbatdan tashqari umumiy yig'ilishi 2024-yil 24-oktabr kuni soat 17:00 da masofadan turib axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda elektron ovoz berish "eVote" platformasi orqali o'tkaziladi.

KUN TARTIBI:

1. "O'zkiyosanoat" AJ aksiyadorlarining navbatdan tashqari umumiy yig'ilishi sanoq komissiyasi a'zolari soni va shaxsiy tarkibini tasdiqlash.
2. "O'zkiyosanoat" AJ aksiyadorlarining navbatdan tashqari umumiy yig'ilishi reglamentini tasdiqlash.
3. "Dehqonobod kaliy zavodi" AJ ustav kapitalidagi "O'zkiyosanoat" AJga tegishli 100 foiz aksiya paketini Davlat aktivlarini boshqarish agentligiga o'tkazish.

Umumiy yig'ilish o'tkazilishi haqida xabar qilish uchun aksiyadorlar reyestrini shakllantirish sanasi: 2024-yil 2-oktabr holatiga.

Umumiy yig'ilishda qatnashish huquqiga ega aksiyadorlar ro'yxati 2024-yil 18-oktabr holatiga shakllantirilgan aksiyadorlar reyestriga asosan tuziladi.

Umumiy yig'ilish qatnashchilarini ro'yxatga olish internet tizimi orqali elektron ovoz berish xizmatidan (<http://evote.uz/>) foydalangan holda, 2024-yil 24-oktabr kuni soat 16:00 da boshlanib, soat 17:00 gacha davom etadi.

Umumiy yig'ilishda ishtirok etish va ovoz berish tartibi Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi tomonidan e-Vote elektron ovoz berish xizmatidan foydalanish bo'yicha xizmatlar ko'rsatish qoidalariga muvofiq amalga oshiriladi.

Умумий йиғилишда овоз бериш тартиби:

- Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш тартиби қонунчилик ва жамият уставида белгиланади. Овоз беришда акциядорлар шахсан ёки уларнинг вакиллари орқали иштирок этишлари мумкин.
- Давлат иштирокидаги жамиятларда давлат вакили шахсан иштирок этади.



Умумий йиғилиш кворуми ва унинг ўтказилиши:

- Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг жами **элик фоизидан** кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, умумий йиғилиш **кворумга** эга бўлади.
- Агар **кворум мавжуд бўлмаса**, такрорий йиғилиш ўтказилади ва унинг кун тартиби ўзгартирилиши **мумкин эмас**.

Умумий йиғилиш қарори:

- Акциядорларнинг умумий йиғилишида **қабул қилинган қарорлар** акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ва жамиятнинг келгусидаги ривожланишига таъсир кўрсатади. Қабул қилинган қарорлар умумий **йиғилиш баённомасига** киритилади ва акциядорларга етказилади.
- Акциядорлар умумий йиғилишининг ташкил этилиши ва ўтказилиши қонунчилик асосида белгиланган тартибда амалга оширилиши жамиятнинг **шаффофлиги ва акциядорлар манфаатларининг ҳимоясини** таъминлайди.

Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш
ва овоз натижаларини расмийлаштириш:

- Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш қонунчилик ва жамият уставига мувофиқ амалга оширилади.
- Умумий йиғилишда қарорлар қабул қилиш «**жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз**» принципига асосланади.
- Аммо кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш каби ҳолларда **кумулятив овоз бериш тартиби** қўлланилиши мумкин.
- Ккумулятив овоз беришда ҳар бир акциядор ўз овозларини бир ёки бир нечта номзод ўртасида тақсимлайди, бу эса номзодлар сайловида кам акциядорларнинг ҳам иштирокини таъминлашга имкон беради.

Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар:

- Акциядорлар умумий йиғилишида қуйидаги шахслар овоз бериш ҳуқуқига эга:
 - Жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар;
 - Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, жамиятнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар.
- Акциядорлар умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар, йиғилишда иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилиги (оддий кўпчилик) томонидан қабул қилинади. Масалан, ривожланган мамлакатлар амалиётида "оддий кўпчилик" овоз билан қуйидаги масалалар бўйича қарорлар қабул қилинади:
 - Директорлар томонидан акциядорларга тақдим этилган молиявий ҳисоботни тасдиқлаш;
 - Тафтиш комиссиясининг хулосаларини тасдиқлаш;
 - Директорлар томонидан таклиф этилган дивидендлар миқдорини тасдиқлаш;
 - Компания ва боғлиқ шахслар ўртасидаги йирик битимларни тасдиқлаш;
 - Директорларни тайинлаш ёки қайта тайинлаш.

Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар:



Акциядорлар умумий йиғилишида қуйидаги шахслар овоз бериш ҳуқуқига эга:

- Жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар;
- Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, жамиятнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар.



Акциядорлар умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар, йиғилишда иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилиги (оддий кўпчилик) томонидан қабул қилинади.

Масалан, ривожланган мамлакатлар амалиётида "оддий кўпчилик" овоз билан қуйидаги масалалар бўйича қарорлар қабул қилинади:

- Директорлар томонидан акциядорларга тақдим этилган молиявий ҳисоботни тасдиқлаш;
- Тафтиш комиссиясининг хулосаларини тасдиқлаш;
- Директорлар томонидан таклиф этилган дивидендлар миқдорини тасдиқлаш;
- Компания ва боғлиқ шахслар ўртасидаги йирик битимларни тасдиқлаш;
- Директорларни тайинлаш ёки қайта тайинлаш.



Малакали кўпчилик овоз билан қабул
қилинадиган қарорлар:

■ Қуйидаги масалалар бўйича қарорлар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан малакали кўпчилик овоз (**ўтган уч қисмдан иборат овоз**) билан қабул қилинади:

- Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ва оралиқ ҳамда якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Жамият томонидан эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Жамиятнинг йирик битимларини тузиш;
- Аффилланган шахслар билан тузиладиган битимларни маъқуллаш.

**Малакали кўпчилик овоз билан қабул
қилинадиган қарорлар:**

■ Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав капиталидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг камида **учдан икки** қисми эгалари бўлган акциядорларнинг розилиги мавжуд бўлган тақдирда, оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овоз бериш бюллетенлари ва саноқ комиссияси

■ Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш **махсус бюллетенлар** орқали амалга оширилади. Овоз бериш бюллетенлари жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан **тасдиқланади**. Агар навбатдан ташқари умумий йиғилиш Кузатув кенгаши ташаббуси билан чақирилмаган бўлса, бюллетенлар умумий йиғилишни чақирувчи шахслар томонидан **тасдиқланади**.

Овоз бериш бюллетени:



Овоз бериш бюллетенида қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- Жамиятнинг тўлиқ номи;
- Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойи;
- Овоз бериш учун қўйилган ҳар бир масаланинг таърифи;
- Ҳар бир масала бўйича овоз бериш вариантлари («ёқлайман», «қаршиман», «бетарафман»);
- Овоз бериш бюллетени акциядор ёки унинг вакили томонидан имзоланиши ҳақидаги кўрсатма.



Овоз бериш бюллетени:

- Агар овоз бериш бюллетенида бир нечта масала бўйича овоз бериш талаб қилинса ва баъзи масалалар бўйича тўғри тартибда овоз берилмаган бўлса, бу ҳолат бутун бюллетенни ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди. Бюллетенда кўрсатилган **ҳар бир масала бўйича овозлар алоҳида** санаб чиқилади.
- Овоз бериш яқунлари бўйича **Саноқ комиссияси** овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома тузади ва унга овоз бериш натижалари билан боғлиқ барча маълумотлар киритилади. Баённома **Саноқ комиссияси** аъзолари томонидан имзоланади ва умумий йиғилишнинг баённомасига илова қилинади.



"O'zkimyosanoat" AJning
"Aksiyadorlar umumiy yig'ilishi to'g'risida"gi Nizomiga
2-ilova

"O'zkimyosanoat" aksiyadorlik jamiyatining ___-yil ___-____da, soat ___:___da, quyidagi manzil bo'yicha: _____da, bo'lib o'tayotgan aksiyadorlarning (navbatdagi, navbatdan tashqari) umumiy yig'ilishida _____dona ovoz beruvchi aksiyaga ega _____ning (yuridik shaxs aksiyadorning to'liq nomi yoki jismoniy shaxs aksiyadorning F.I.Sh.)

____-son
BYULLETENI *

Kun tartibidagi masalalar bo'yicha ovoz berishda faqat ovoz berish variantlaridan "yoqlayman", "qarshiman" yoki "betarafman" bittasini tanlang (variantlarni tanlash usuli: X, ✓ **yoki tegishli ustunga ovozlarni yozib quyung**).

T/r	Ovoz berishga qo'yilgan masalalar	Yoqlayman	Qarshiman	Betarafman

Kuzatuv kengashini saylash yuzasidan kun tartibidagi masala bo'yicha ovozlarni soni (ovoz beruvchi aksiyalar soni jamiyatning kuzatuv kengashiga saylanishi lozim bo'lgan shaxslar soniga ko'paytiriladi) - _____. Siz shu tariqa olgan ovozlarni bitta nomzodga to'liq berishga yoki ikki va undan ortiq nomzodlar o'rtasida taqsimlashga haqlisiz.

T/r	Ovoz berishga qo'yilgan masalalar		Kuzatuv kengashi tarkibiga saylanayotgan nomzodga berilgan ovozlarni soni
	Kuzatuv kengashining tarkibiga saylansin:		
	Nomzodning F.I.Sh.	Nomzod haqida qisqa ma'lumot	

F.I.SH _____ (imzo)

Ovoz berish byulleteni aksiyador (uning vakili) tomonidan imzolanishi lozim.
* Aksiyadorni qayd qilish ro'yxatidagi tartib raqami yoziladi.

Қарорларни эълон қилиш ва акциядорларга маълумот етказиш:

- Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар ва овоз бериш якунлари жамиятнинг уставида белгиланган тартибда ва муддатларда акциядорларга етказилади. Одатда, қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида акциядорларга расмий равишда маълум қилинади.
- Давлат вакилининг иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, шунингдек қонунчиликка зид бўлган ёки давлат манфаатларига хилоф келувчи қарорлар вето қўйилиши мумкин. Бундай қарорлар ижро этилмайди.



Акциядорларнинг қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи:

- Агар акциядор узрли сабабларга кўра умумий йиғилишда иштирок этмаган ёки қабул қилинган қарорларга қарши овоз берган бўлса, у судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.
- Шикоятда қарор қабул қилишдаги қонунчилик талаблари бузилганлиги ёки акциядорнинг ҳуқуқлари поймол этилганлиги асос қилиб кўрсатилиши мумкин.



Овоз бериш натижаларини расмийлаштириш тартиби:

Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йиғилишида **ўқиб эшиттирилади ва овоз бериш натижалари** эълон қилинади. Баённома имзолангандан сўнг, овоз бериш бюллетенлари саноқ комиссияси томонидан муҳрланади ва жамият архивига топширилади.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг баённомаси йиғилиш тугаганидан кейин **ўн кун ичида икки нусхада** расмийлаштирилади ва раис ҳамда йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

Баённомада қуйидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим:

- Умумий йиғилиш ўтказилган сана, вақт ва жой;
- Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар сони;
- Умумий йиғилишда иштирок этган акциядорларнинг сони;
- Умумий йиғилиш раиси ва котиби;
- Кун тартибидаги масалалар, маърузаларнинг асосий қоидалари ва овоз бериш натижалари;
- Умумий йиғилишда қабул қилинган қарорлар.

Шу орқали умумий йиғилишда қабул қилинган қарорлар ва овоз бериш натижалари расмийлаштирилади ва акциядорларга етказилади.

1. Corporate governance: principles, policies and practices, Tricker B. / Oxford, 2015
2. Zamonaviy korporativ boshqaruv: Darslik, Elmirzayev S./T.: "Iqtisod-moliya". 2019
3. Korporativ boshqaruv: Darslik, Elmirzayev S./ T.: "Zebo Print", 2021
4. Korporativ boshqaruv: muammolar va zamonviy yechimlar. Suyunov D.X., Xoshimov E.A., Xusainov Sh.A. / Toshkent: Biznes va tadbirkorlik oliy maktabi, 2021



Раҳмат!